


Тумандаги истироҳат боғини номлаш ва тасдиқлаш тўғрисида



Халқ депутатлари сурхондарё

вилояти узун тумани

кенгашининг қарори

Узун тумани, Ўзбекистон кўчаси 7-уй. тел.. (+99876) 44-73-545, uzun.t@exat.uz

2022 йил 9 июн

VI-44-76-8-118-K/22

Узун тумани ҳокимлиги

Тумандаги истироҳат боғини номлаш ва тасдиқлаш
тўғрисида;

“Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012-йил 16-октябрдаги 295-сон “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддасига асосан халқ депутатлари Узун тумани Кенгаши **қарор қилади:**

1. Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги эксперт комиссиясининг 2022-йил 14-апрелдаги 01-14-518-сон йиғилиш баёни маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туманда номи тасдиқланаётган истироҳат боғи рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман статистика бўлими (Ш.Холназаров), туман қурилиш бўлими (Б.Абдуллаев), Давлат кадастрлар палатаси Узун тумани филиали (Ш.Хуррамов) туман ҳокимлиги билан биргаликда номланаётган ҳамда тасдиқланган истироҳат боғини давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базани шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга оширсин.

4. Туман қурилиш бўлими (Б.Абдуллаев) ҳудудларда номланаётган географик объектга янги номлари ёзилган кўрсаткич ва белгилар, пешлавҳаларни замонавий дизайн асосида босқичма-босқич ўрнатилишини таъминласин.

5. Мазкур қарор туман ҳокимлиги ахборот хизмати (Т.Атаханов), “Боботоғ тонги” газетаси таҳририяти (И.Бобокалонов)га расман эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий комиссияси (С.Ташанов),

халқ депутатлари туман Кенгашининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси (М.Исмамов) зиммаларига юклатилсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан сўнг кучга киради.

Кенгаш раиси
Б.Б.Турсунов

Халқ депутатлари Узун туман

Кенгашининг

2022 йил 9 июндаги

ВИ-44-76-8-118-К/22-сон қарорига

1-илова

Сурхондарё вилояти Узун тумандаги истироҳат боғи
номлаш тўғрисидаги таклифлар

Т/р ва вилоят	Географик объектнинг тури комиссияси томонидан берилган таклифлар	Жойлашган Экспертиза хулосаси ўрни	Географик объектнинг амалдаги номи	Туман
1	Истироҳат боғи истироҳат боғи	“Ўзбекистон” “Шодлик” истироҳат боғи МФЙ	Номсиз	“Шодлик”
2		6		5